

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

• Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 15 июль • № 16 • Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда •

Келажакка ташланган равшан назар

ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОХОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ЙЎЛИДА

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Исллом КАРИМОВ.

Рақамлар тилга кирганда

Ўзбекистон тараққийнинг кейинги уч йиллик якунлари танланган иқтисодий моделининг тўғрилигидан далолат беради. Ўзбекистон собиқ СССРдаги кўпгина республикалар ўтиш даврида дуч келадиган жуда кўп муаммоларни четлаб ўтди. Ички ялпи маҳсулот бу даврда йилига 4 фоиздан ортиқ камаймади. Саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 1993 йилда

11 фоизни, 1994 йилда 4 фоизни, 1995 йилнинг биринчи чорагида 3 фоизни ташкил этди. Ўзбекистоннинг бугунги кундаги иқтисодий кўрсаткичлари МДХ бўйича энг яхши кўрсаткичлардир. Амалга оширилган модел жамиятда барқарорликни сақлаб қолиб, 1996-1997 йилларда иқтисодий ривожланиш учун аниқ истиқболлар яратиш имконини берди.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ХАЙЪАТИНИНГ МАЖЛИСИДАН

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳайъатининг 1995 йил 15 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимиз Президентини Исллом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» янги китобини ўрганиши ва тарғибот қилиши масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи қотиби Анвар Жўрабев Интиқилни очиб, янги асарнинг Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Китобда яқиндагина давлат мустақиллигига эришган мамлакатимиздаги бутун ижтимоий тўзум ва сиёсий тузулмаларнинг тубдан ислоҳ қилинишига қаратилган ноёб ўзгаришлар жараёнининг назарияси ва амалиёти ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилганини қайт этди. Нотиқ мамлакатимизда рўй бераётган чуқур иқтисодий ўзгаришлар ҳеч қачон бефарқ қолдиришни йўқ, дейди. — Тарихан кўзда бўлса ҳам мустақилликнинг ўтган қарийиб тўрт йили одамшумул воқеаларга бой бўлди. Дунё ҳамжамиятидан муносиб жой олган мустақил давлатнинг ўз тараққийи йўлидан далолат бериб, ўзининг буюк келажак учун мустақам замин ҳозирлади. Ўзбекистон — улкан қўриқлар, тикланишлар, янгиланишлар майдонига айланди. Аниқ мақсадли кўзлаб амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг муайян натижалари тўғрисида янги мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб иқтисодиётнинг изчиллик билан ислоҳ қилиниши, халқ ҳужжатининг барқарорлаштиришига эришилди. Айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий жиҳатдан янада жадал юксалиш учун мустақам шарт-шароитларни ҳам яратди. Мамлакатимиз Президентини Исллом Каримовнинг «Ўзбекистон

иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» китобини шу ўтиш даврининг ҳамма мураккабликлари, қонун-қондалари, хусусиятларини узида тўта муассамлаштирган изчил асардир. Унда мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга якун ясалган, содир бўлган ижтимоий силжишлар, иқтисодий ислохотлар, кишилар оғидида рўй бераётган ўзгаришлар тўлақонли ва аниқ равшан таҳлил қилиб берилган. Китобнинг қисмидан иборат. Унинг «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг исюзулари ва сабоқлари» номи билан иқтисодий ислохотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш воситалари, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган ва бевосита бу масала юзасидан шундай дейилган: «Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустақамлашга, эскича фиркаш тарзларини оғинимдан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тўзум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди». Китобда биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифани бирданга улашга тўғри келинган кўрсатиб ўтилган. Бу вазифалар — биринчидан, маъмурий бўйрқозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш; иккинчидан, республиканинг ўзига ҳок шараитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат эканлиги белгиланган. Бу вазифалар молия ва солиқ сиёсати, кредит-пул сиёсати, нарх-наво бўйича ва пулнинг қалризилаишига қарши сиёсат, қишлоқ ҳужагида ислохот ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар сиёсати йўналишларида олиб борилган.

Бу қисмда шунингдек, Давлат мулкни хусусийлаштириш ҳамда кўп уқталли иқтисодиётни шакллантириш, аграр муносабатларнинг янги турини вужудга келтириш масалалари чуқур ва апрофича кўриб чиқилган. Бозор иқтисодиётига мувофиқ келувчи ташқи шартлолар ва муассасаларни ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган. Нарҳин эркинлаштириш, бозор инфраструктурасини яратиш, ташқи иқтисодий сиёсатни эркин йўлга қўйиш, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиб бориш китобда кенг таҳлил қилинган марказий масалалардан. Шунингдек, иқтисодий ислохотлардан кузда тутилган мақсадлар — мамлакат аҳолиси учун инсонга муносиб бўлган ҳаёт ва фаолнинг шароитини яратиш, халқни маънавий ахлоқий жиҳатдан тиклаш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳар томонлама пухта таҳлил этилган. Китобнинг иккинчи қисми «Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» деб номланган. Унда мамлакатини иқтисодий ривожлантириш борасида олдинда турган асосий вазифалар тўғрисида ва аниқ баён этиб берилган. Булар — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнини, макронотиқий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустақамлаш, иқтисод таркибий структурасини тубдан ўзгариштириш, ижтимоий қаролотларни қучиб бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидир. Уларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини кўрсатиш, устивор йўналишларини аниқ йўналиб бериш ушбу қисмининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Мустабидачлик тузуви, маъмурий қўмондонлик тузумидан сифат жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи янги — инсоний демократик, адолатли жамиятни бунёд этишга қирришган халқимиз учун истиқболимиз ис-

тиқболларини, ўтиш даврининг хусусияти ва қонунларини, туб ислохотларни амалга оширишнинг йўли ва воситаларини аниқ равшан кўрсатиб берувчи илмий-тадқиқот ҳамда амалий қўлланмаларига аҳамияти нақадар катта эканлигини қайт этган ҳолда Президентининг мазкур асарини ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, яратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мажлисда партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи қотиби техника фанлари доктори, профессор Абдували Гуломмаҳмудов, Сиёсий Кенгаш қотиблари Наҳиддин Комиллов, Улуғбек Донийёров, Сиёсий Кенгаш ҳайъати аъзолари — Олий Мажлис қўмитаси раиси Чаржау Абдиров, ТошДУ ректори, академик Тўхтамурод Жўраев, «Усталбиркорбанк» бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутаты Алижон Юсупов қўрилган масала юзасидан сўзга чиқиб, Президентининг рисоласининг ҳозирги кундаги беқиёс аҳамияти ва роли тўғрисида ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Партия Сиёсий Кенгаши ҳайъатининг мажлисида кенг китобхонлар оmmasига мулжалланган бу асарни аҳоли ўртасида чуқур тушунириш, ҳар бир меҳнаткаш оғиди синдириш партия ташкилотлари ва фаолларининг ҳам муҳим вазифаси эканлиги уқтириб ўтилди. Сиёсий Кенгаш қотиблари, ҳайъат аъзолари жойларда бўлиб, ҳокимликлар ва етакчи олимлар билан биргаликда катта тарғибот-ташқиқот ва тушунириш ишларини олиб бориш вазифалари юқталди. Бу ишлар ҳайъат мажлиси ишлаб чиққан аниқ режага асосланган.

• (Юртбошимиз Исллом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишланган материалларини газетимизнинг 2-3 саҳифаларида ўқийсиз).

Қонун кўзгусида

БАНГИФУРУШЛИКНИНГ ҚОРА СЎҚМОҚЛАРИ

Оператив маълумотлар далолат беради: сўнгги вақтда яқин ва олис хориждаги мамлакатларда сотишга мулжалланган наркотик моддаларнинг Ўзбекистон ҳудудида қириб келиши кўмайди ва бундай моддаларни мамлакатимиз орқали гафрқонуний тарзда олиб ўтиш билан боғлиқ вазият анча кескинлашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳар кунини темир йўлда, автомобил йўларида, пиледалар сўқмоқларида «ажал бизнес» чопарларини ушламоқда. Заҳарли товар мусодара этилиб, йўқ қилиб юборилмоқда, айбдорлар қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилмоқда... Бироқ наркотик моддалар — қора дорини, наша ўргимчак каби хонадонимизга ўрмалаб қиринишда давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизга наркотик моддалар қириб келиши жиҳатидан сўнгги вақтда Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош туманлар жуда хавфли бўлиб қолди. Ажал моддаларининг асосий қисми шу мамлакатлардан ўтмоқда. Наркотик моддаларни гафрқонуний олиб ўтаётганда ушланган кишиларнинг ҳар уч нафардан бири Тожикистон фуқаросидир.

Анжирқоқ қилиб айтдиган бўлсак, мамлакатимизда амал қилаётган қонунини бузганларнинг 36 фоизини шу кунини мамлакатимизнинг бангифурушликнинг режалари пучга чиқишига ишончимизни мустақамлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзо бўлган Ўзбекистон тибқиқандлик кўпайиб бораётганидан ва наркотик моддаларнинг гафрқонуний савдоси келтириб чиқарадиган хавфдан жаҳон жамоатчилигининг чуқур ташвишига қўшилиди. Парламентимиз — Олий Мажлис қарори билан бу йил мамлакатимиз «БМТнинг наркотик моддалар тўғрисидаги 1961 йилги ягона конвенцияси»га, «БМТнинг психотроп моддалар тўғрисидаги 1971 йилги конвенцияси»га ва «БМТнинг наркотик воситалар ва психотроп моддалар гафрқонуний сотилишига қарши 1988 йилги конвенцияси»га расмий равишда қўшилди. Кўп мамлакатлар билан тегишли иккиёқлама шартнома ва битимлар тузилди. Ана шу ҳужжатларга асосланиб, Ўзбекистон ўз зиммасига мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқи равишда ҳам наркотик моддалар қиринишларини тўсиш ва бу моддаларнинг гафрқонуний сотилишига чек қўйиш юзасидан халқаро мажбурият олди. Тибқиқандлик ва

бангифурушликка қарши курашнинг уч йилга мулжалланган давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари бу лойиҳани маъқуллашди. Утган йилнинг апрель ойидан бошлаб Республикада бу йўналишдаги бутун фаолиятини наркотик моддаларни назорат қилувчи давлат комиссияси мавофиқлаштириб турибди. Мазкур муаммо билан шуғулланувчи бир қанча вазириклар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақамалари ва хўмхазмлари раҳбарлари шу комиссияга таркибига қиритилган. Давлат комиссиясининг тузилиши унинг ишловини ташкил этишда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро дастурининг Тошкентдаги минтақа ваколатхонаси, унинг директори жаноб Арқадилун Майшик фаол ёрдам берди.

Сўй-ҳаракатларини айни шу тарзда бирлаштириш тўғрисида умуман жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни енгилаштиришга ва уни назорат остида ушлаб туришга муваффақ бўлди. Ўзбекистон динери қўшнилариға ҳеч қачон кулфат хавфини солмаган. Ҳозирги банг ва босига ҳам йўл қўймадик учун ҳамма ишни қилганимиз... Шундай бўлса ҳам, вазиятга қараганда, ҳозирча хотиржамлик

ка ҳам берилиб бўлмайди шекилли. Бунга қўшнилариғимизнинг «амхўрлик» ҳам сабаб бўлса керак... — Бизнинг ишимизда умуман оёсийишта ҳаётга умид қилиб бўлмайди. Умумий, яқин жаҳонда жиноятчилик билан боғлиқ жаурабларни ва тамойилларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу тагин ҳам равшанроқ бўлади. Биз жаҳонда ажралган ҳолда яшаётганимиз йўқ, Ўзбекистон — очиқ мамлакат, чегаралари рамзий маънодагина маъжуд. Табиғийки, жиноий бизнес қорчалонлари, турли-туман бангифурушлар наркотик моддаларни МДХ мамлакатларига, Европага ва Америка қитъасига олиб ўтиш учун худудимиздан фойдаланишга уринишмоқда. Агар 1993 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларимиз наркотик моддаларни гафрқонуний йўл билан олиб ўтишга урингани учун бошқа давлатларнинг 90 фуқаросини ушлаган ва жауобгарликка тортган бўлса, утган йили кулга туширилган бундай «чоплар» сонини уч баравар ошди. Ҳозир ҳам бу тамойил сақланиб турибди. Жиноий юқларни олиб кетаётганларни дейраи ҳар кунини ушлаяптимиз... Наркотик моддаларини Республикаимизга келтирилаётган уч

асосий йўналиши аниқланди. Бу — Афғонистон — Тожикистон — Ўзбекистон, Тожикистон — Қирғизистон — Ўзбекистоннинг Фарғона vodiysi, Тожикистондан тўғрла-тўғри Ўзбекистонга ўтиш йўналишларидир. Мамлакатимиз орқали олиб ўтилган наркотик моддаларнинг аксарияти шу йўналишларда мусодара қилинган. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, қўшни мамлакатлар ҳудудида қорадори олинадиган ўсимлик хомашёсидан янада хавфлироқ наркотик модала — геронин ишлаб чиқарадиган лабораториялар ишлаб турибди. Илгарини бизнинг маълумотларимизда бўлмаган бу наркотик модала эндиликда тез-тез учраётганини тасодиф эмас. Утган йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларимиз 200 килограмм қорадори (дарвоқе, бу — олдинги йилдадан икки баравар кўп) ва бир килограмм геронинни топиб, тортиб олган бўлса, бу йил олти ой ичида 252 килограмм қорадори ва 2,5 килограмм геронин мусодара қилинди.

(Давоми 4-бетда)

Луқма

ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНАСИ ҚАЧОН ДОВРУҒ ЁЯДИ?

Асосан четдан келтирилган хомашё ҳисобига ишлайдиган Ғазалкент ойна заводи жамоаси ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, йилнинг биринчи ярминини яхши якунида: нетемолчиларга салкам юз миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ишлаб чиқариш суръати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 264 фоиз ўсди. Йилга икки миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қорхонани Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Утган йил давомида маъжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ҳисобига салкам бир миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқарилиди. Ҳозир Ғазалкент ойнаси республика эҳтиёжининг тўртдан бирини қоплайти. Демак, уларнинг бозори қаққон бўлиши лозим. Чунки мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда улкан қурғилар бормоқда. Улар-жойлар, маданият-маърифий ва ўқув биноларини таъмирлаш мақсуди ҳам бошланган. Шундай бўлса-да, қамбё ҳисобланган тайёр маҳсулот қорхона оғирдори қўтаётганига нима дейсиз? — Умуман, маҳсулотимиз узоқ туриб қолаётгани йўқ, — дейди бош директор Шоқиржон Хамитов аҳолини тушунириб. — Тўғри, ҳозир ойна бор. Бироқ қўнчилик ёғинида шундай маҳсулот ишлаб чиқарилишини билмайди. Аксарият мижозларимиз эса «хали вақт бор», деб хотиржам қориди. Сўбатдошимизнинг қувватини қориди. Биз қишлоқ-қировли кўнларда — синиқ дераза тиркичларидан совуқ қириб, эҳтимол жун-жиқкадангина ойна излашга тушамиз. Ойнасозлар шу йилнинг апрель ойидан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаб бошлади. Барча умикониятлар ишга солиниб, чиқарилган маҳсулотлар улаштирилмоқда. Бунинг натижасида 15 турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бироқ бу маҳсулотларнинг битта «айб» бор: завод жиҳозлари маънавий эскиргани сабабли уларнинг таннари бироз юқори. Вазирилар Маҳкамасининг 1993 йил декабрь ойидаги махсус қарорига биноан қорхонада бошланган таъмирлаш ишлари эса йрмига етганида тақди тўхтаб қолди. 11 миллион сўмлик қисқа муддатли имтиёзли кредит асосий қурғилар-монтаж ишларига етди, холос. Технолоник жиҳазларини бошлаш учун 130 миллион сўм маблағ керак. Бу борда чет эл инвестициясини салмоқли натижага эришиш қўйин. Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, хориж билан ҳамкорлик қилмаган қорхонани келажак бўлмайди. Демак, ҳамма иш ойнасозларнинг ташаббускорлигида қолган. Шундангина Ғазалкент ойнаси кенг доврўғ ёйди.

П. ДУШАЕВ.

Янги давр бошланди. Биз ўз палласига қадам қўйдик...



КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ДАСТУР

Алжон ЮСУПОВ,
«Узтадбиркорбанк» бошқаруви раиси,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Сийёсий Кенгаши аъзоси.



— Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўқиб гоят таъсирландим. Утган тўрт йил ичида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган кескин ўзгаришларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, таққин қилган бу сермазмун китоб ўзининг теранлиги, бутун мақсад-моҳияти билан чинакамига келажакка элтувчи дастурга айланган. Унда мустақиллигимизнинг ўтган йилларида қилинган ишларга ҳолис баҳо берилиб, олдимизда турган муҳим, долзарб вазифалар кўрсатилиб ўтилган.

«Узтадбиркор» ҳиссадорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тузилган бўлиб, ҳозирда у ўз фаолияти бошланганлигининг икки йиллигини нишонламоқда. Утган қисқа муддатга муассасамиз ривожланиш йўлидан шиддатли қадам ташлади ва республика банк тизмида ўзининг муҳим ўрнини эгаллади. «Узтадбиркорбанк» — ҳозирги кунда иқтисодиётнинг давлатдан ташқари тармоғининг тараққийда энг ишончли таянч бўлиб қолди.

Бу банкнинг икки йил давомида эришган энг асосий ютуғи нималардан иборат? Назаримда, банкимиз олган асосий фойда мижозларининг бизга нисбатан тобора ортиб бораётган ишончидир. Зеро, биз биринчи навбатда барқарорлик, муқимлик ва ишончга кўпроқ эътибор қаратаймиз. Чунки бундай сиёсат мижозларимиз сонининг тобора ортиб боришига имкон яратмоқда.

Ҳозирги кунда бизнинг банк 50 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бу мижозларнинг 20,7 мингтаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган ва турли хизматлар кўрсатаётган кичик корхоналар ва 18,3 мингтаси эса фермер (деҳқон) хўжалиқларидир. Уларнинг сони йилнинг ҳар чорагида ўртача 15 фоиз ортиб бормоқда.

1993 йилда атиги 4,3 млн. сўмлик Устав фондими бор эди, ҳоло. 1995 йил бошида бу кўрсаткич 81 млн. сўмга етди. Шу йилнинг март ойида, ҳиссадорларнинг умумий мажлисида эса қимматбаҳо қозғаларнинг учинчи чиқаруви эълон қилинди. Бу «Узтадбиркорбанк» Устав фондидини 350 млн. сўмга етказиш, хуёусий тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатиш кўламини ошириш имконини берди.

1993—1995 йиллар мобайнида банк мижозларга бир миллиард 239 млн. сўм миқдорда кредит берди. Бу йилдан бошлаб эса у фермерлар, кичик ва ўрта бизнесларнинг маблағ билан таъминлашга марказлашган имтиёзли ресурслар олмаётди. Ваҳоланки, кўпчилик қарз олувчилар, айниқса, фермерлар бизга айнан имтиёзли кредит сўраб мурожаат қиладилар ва биз бунга жавоб қиладилар ва биз бунга жавоб қиладилар ва биз бунга жавоб қиладилар...

Ташқи иқтисодий алоқаларда валюта операцияларини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олган банкимиз ўзининг корпоративлик тармоқларини мунтазам равишда кен-

гайтирмоқда. Россия, Белорусь, Қозоғистон, Латвия, Австрия каби мамлакатларнинг банклари билан корпоративлик муносабатлари ўрнатилган бўлса, айни кунларда МДХ, АҚШ, Исроил, Германия, Покистон, Греция, Болгария, Малайзия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг тижорат банклари билан музокара олиб борилмоқда.

Ҳозир банкимиз экспорт потенциалига эга бўлган 65 та қўшма корхона билан ишламоқда. Бу корхоналарнинг таъсисчилари Россия, Қирғизистон, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Хитой ва корейлик юридик шахслардир.

Ўзбекистон инновация-менеджмент Маркази билан биргаликда биз, шунингдек, Германиянинг КФВ (Кредитенштафт Фюр Видеорауфбау) банки молиявий маблағларини жалб қилиш бўйича ҳам иш олиб бораётибмиз. Бунинг натижаси ўлароқ имтиёзли хорижий кредитлар олиниши учун тақдим қилинган 68 та техник-иқтисодий асослар таҳлил ва экспертиза қилинди.

Бу банк биз учун 85 млн. маркали кредит линияси очганди. Шу кеча-кундузда у Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш Америка фонднинг 100 млн. долларлик кредит линиясини 5-10 йиллик муддатга (10 фоиз йиллик) очиб буйича тайёргарлик кўрмоқда.

Энди банк олдида турган муаммолар хуёусида икки оғиз. Энг долзарб муаммо — бу бизнинг бўлимларимизга ажратилмаган бинолардир. Бу масалани биз иложи борича ўз кўзимиз билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирги кунда 180 та бўлимдан 56 таси ўз балансида эга, 28 та банкнинг типовой биноларини қуриш бошлаб юборилган. Улардан 2 таси ишга туширилди. Қолганлари ҳам тез кунларда фойдаланишга топширилади. Бу ишда бизга Навоий, Бухоро, Жиззах, Хоразм ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари катта ёрдам кўрсатмоқда.

Кичик ва ўрта тадбиркорлар — асосий мижозларимиздир. Биз кундалик ишимизда ҳуқуқий масалаларда қийинчилик сезаётганимиз боис хуёусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқаямиз. Бу дастурда мижозлар билан мунтазам учрашиб туриш, долзарб масалалар юзасидан маслаҳат хизматларини ташкил этиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бизда кадрлар масаласида ҳам муаммолар мавжуд. Ҳозирда 6 минг нафар ходимга эҳтиёж сезганимиз ҳолда унинг 67 фоизига эгамиз, ҳоло. Уларнинг ярмида эса малака етишмайди. Шу боис ходимларимизни ўқитиш мақсадида халқаро молия олийгоҳлари билан алоқалар ўрнатмоқдамиз.

Бу муаммолар тез кунлар ичида ижобий ҳал этилади. Энг асосийси — «Тадбиркорбанк» ҳақиқатан тадбиркорларнинг таянчи бўлиб қолмоқда. Бу, албатта, фаолиятимизнинг бош мезонидир.

«Ўзбекистон наشريёти»нинг 70 йиллигига ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» наشريёти Ўзбекистон Республикаси Президентини олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мустақилликни мустақамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кўп қиррали ташкилий-сиёсий ишларни кенг қўлама, қаровли тарғибот қилиш ишига, янги эмин-эркин ҳуқуқий давлат қураётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти билан жумхуриятимиз, шунингдек, чет мамлакатлар китобларини таништиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Нашриёт ижодий жамоаси маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизни улуг мақсадлари йўлида камол топтириш борасида ноширчилигимизни давр талаблари асосида ривожлантириш, етарли даражада ижтимоий-сиёсий адабиёт, дарсликлар, куртажмали воситалар чоп этиб, уларни тарқатиш борасида ташаббускорлик кўрсатмоқда, мустақиллик туғайти қобилиятларини намоён қилиш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб меҳнат қилмоқда.


Ўзбекистонда давлат наشريёти 1925 йилда ташкил топган давлат наشريёти («Узтадбиркор») номи билан ташкил қилинган бу илк наشريёт унлаб йиллар мобайнида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Нашриёт жамоаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустақамлаш, маданий меросимизни тарғиб қилиш, унинг тарихи, илм-фани, маданий мероси, тараққийига оид ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий-оммабоп, адабий-бадиий, ўқув адабиётларини чоп этиш, халқимизнинг маънавий камол топтириш йўлида кенг фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон» давлат наشريёти 1925 йилда ташкил топган давлат наشريёти маданият уюмларидан бўлиб, Ўзбекистоннинг тарихи, фани, маданий мероси, тараққийига оид ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп

адабиётларни чоп этишни йулга қўйган. Давлат наشريёти қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарарлари, қарорлари ва санат ар-баиёт ва санат ар-баиётлари — Бекбулдин, Мунавварқор, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Таваккул, Суфийола, Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжонларнинг асарлари, дарсликларини нашр этилиб, тарқатилган. И. Оқунбоев, Ф. Хужаев, А. Икромов ва бошқа давлат



лар шу даргоҳда чоп қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, муҳим қонунлар, фармонлар тўпламлари, бошқа адабиётлар рус, инглиз, немис, француз, испан, турк ва бошқа тилларда оммавий нусхаларда чиқарилди. Нашриёт жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентини олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мустақилликни мустақамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кўп қиррали ташкилий-сиёсий ишларни кенг қўлама, қаровли тарғибот қилиш ишига, янги эмин-эркин ҳуқуқий давлат қураётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти билан жумхуриятимиз, шунингдек, чет мамлакатлар китобларини таништиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



лар шу даргоҳда чоп қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, муҳим қонунлар, фармонлар тўпламлари, бошқа адабиётлар рус, инглиз, немис, француз, испан, турк ва бошқа тилларда оммавий нусхаларда чиқарилди. Нашриёт жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентини олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мустақилликни мустақамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кўп қиррали ташкилий-сиёсий ишларни кенг қўлама, қаровли тарғибот қилиш ишига, янги эмин-эркин ҳуқуқий давлат қураётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти билан жумхуриятимиз, шунингдек, чет мамлакатлар китобларини таништиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

арбобларнинг нўқдари, мақола-ларни тўпламлари, плакатлар чоп этилган. Ўзбекистоннинг мустақиллик эришиши наشريёт ижодий жамоаси учун беқиёс катта имконият яратди. Утган уч йилдан зиёроқ вақт мобайнида наشريёт 1000га яқин номдаги 15 миллион нусха-лик ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, тарихий асарлар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар чоп этилди. Республика мустақиллиги билан болдиқ бўлган ҳамма ҳужжатлар, сиёсий, иқтисодий адабиёт-

лар шу даргоҳда чоп қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, муҳим қонунлар, фармонлар тўпламлари, бошқа адабиётлар рус, инглиз, немис, француз, испан, турк ва бошқа тилларда оммавий нусхаларда чиқарилди. Нашриёт жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентини олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мустақилликни мустақамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кўп қиррали ташкилий-сиёсий ишларни кенг қўлама, қаровли тарғибот қилиш ишига, янги эмин-эркин ҳуқуқий давлат қураётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти билан жумхуриятимиз, шунингдек, чет мамлакатлар китобларини таништиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

қўшди. Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли рисо-ласи чоп этилди. Ҳозирги кунда И. А. Каримов асарлари тўламини ўқиб чиқариш йўлида наشريёт «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим саналар, Президент сўзловлари, Олий Мажлисга сўзловлар, Умумхалқ Републикаси каби сиёсий компаниялар, чет давлатлар раҳбарларининг республикамизга сафари, бошқа нуфузли воқеаларни нишонлашга бағишланган ҳажон талаб-

АСОСИЙ ЙЎРИҚНОМА

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли рисо-ласи республикамиз аҳлини ўтиш даври муаммоларини ҳал этишда, ички бозор тамойилларини шакллантиришда муҳим дастуриямал эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Рисолада республикамизда бозор муносабатларини шакллантиришнинг биринчи босқичи ҳамда гаалда иккинчи босқичида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилганки, бу шу республика фуқаросидан деган ҳар бир инсон учун китобдан тўғри хулосалар чиқариб, юртимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим.


Мен хизмат қилаётган «Тинчлик» ҳиссадорлик жамоаси

«Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» рисо-ласи юзасидан кенг фикр-мушоҳада юритди. Жумладан, корхонада махсулот сифати ҳамда самардорлигини ошириш, аҳоли талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб бозорни хариддоргир истеъмол товарлари билан тўлдирини-нинг яқин келажакка мўлжалланган режаларини тузиб олдик.

Энг муҳими, янги дастур ҳар бир жамоада, ишлаб чиқариш ташкилотларида бундан кейин қилиниши лозим бўлган ишларни бозорга мослаб, босқичма-босқич тадбиқ этишда асосий йўриқнома бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Рихсий ИБРОХИМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси,
Тошкент шаҳри.

Мустақиллик лавҳалари



Рақамлар тилга кирганда

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатга хорижий капиталнинг кириб келишини рағбатлантирадиган ҳақиқий ҳуқуқий негиз барпо этилган бўлиб, ҳозир у мантиқий тарзда янада ривожланмоқда. Ана шу мақсадда кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик ташкил этилган. Сармояларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшмоқчи бўлганларнинг барчасини Ўзбекистон қонунлари ишончли равишда ҳимоя қилади. Бу ўринда ўтган йилда валюта кредит ресурслари 1,2 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетганини эслатишни ўзи кифоя.

Ҳозир Ўзбекистонда мингдан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий (Низом) жағмармаси 100 миллион сўмдан ортиқ ва 50 миллион АҚШ долларига яқиндир. Қўшма корхоналар муассисалари орасида «Ньюмонт», «Пепси-Кола» (АҚШ), «Рэнк Ксерокс» (Буюк Британия), «Мерседес-Бенц» (ГФР), «Бульдер» (Швейцария), «ДЭУ корпорейшн» (Жанубий Корея) ва бошқа машҳур фирмалар бор.

Хуёусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий сармоя жағмармаси, «Тараққий» молия инвестиция компанияси ташкил этилган. Жамоаларга юз миллион сўмлаб кредит ажратилмоқда. Ишбилармонлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашувчи жағмармадан катта ёрдам олмақдалар.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 45 минг корхона давлат тасарруфидан чиқарилган. 3095 та акционерлик жамияти тузилган. Улардан 2881 таси очик турдаги жамиятдир. Корхоналар акцияларининг 25 дан 60 фоизгача қисми ходимлар ўртасида тақсимланган.

3 миллион оилага 550 минг гектар ер текинга тасарруф қилиб ажратиб берилди, томорқанин уму-мий ҳажми эса 700 минг гектарга етди. 1 миллиондан ошди оила турар-жойини хуёусийлаштирди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг яр-мидан кўпи — бу қарийб 4 миллион 200 минг ки-шини ташкил этади — ак-циялар, мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ҳисобланади. Са-ноат, савдо, хизмат кўрс-атиш корхоналари ва бош-қа соҳаларни хуёусийлаш-тириш жадал амалга оши-рилмоқда.

Давлат фермерларга 200 минг гектарга яқин ер ажратиб берди, давлат ху-жалиқларини хуёус-ийлаштиришда деҳқон-чилик жамоалари сезилар-ли имтиёзлар олди.

БАНГИФУРУШЛИКНИНГ ҚОРА СЎҚМОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикада мунтазам ўтказилган «Кўкнор» операцияси давомида ўтган йили 443 гектар ерда кўнор ва наша етиштириладигани аниқланиб, йўқ қилиб ташланган эди. Оператив-профилактика тадбирлари ўз вақтида ўтказилган ҳамда юқорида айтилган ишлар туфайли Ўзбекистонда бу муаммонинг кескинлигини бир мунча юмшатишга, бангифурушликнинг хомашё базаси ривожланишини тўхтатишга муваффақ бўлинди.

Шу йулнинг бошидан буён Республикада жами 27 гектар ерда байрқонуний экин етиштириладигани аниқланиб, йўқ қилиб ташланди. Аммо кўшни мамлакатларнинг chegarамизга яқин жойларида захарли экинзорлар кенгайиб бормоқда. Июль ойининг бошларида вертолётга Самарқанд вилоятининг Ургут тумани худудини кўздан кечирган Наркотик моддаларга қарши кураш бошқармаси ходимлари бу ҳолга амин бўлишди. Улар бу экинни Ургут туманида эмас, Тожикистоннинг Панжакент туманининг тоғли зонасида қуришди. Худди шу кунни, яъни 4 июль кунини кечкурун ходимларимиз ургутлик икки фуқарони ушлашди. Уларнинг ёнидан ис-

теъмоқ қилишга тайёрлаб қўйилган уч ярим килограмм қоралор топилиди. Текшириш чоғида улар наркотик моддани Тожикистон худудига, Панжакент туманининг тоғли қишлоқларидан биридан сотиб олганлигини айтишди. Бизнинг қонунимизга мувофиқ, наркотик моддаларни «энг кўп миқдорда» — 50 грамм қоралорини, бир грамм героинни байрқонуний сотган киши 10-20 йил озодликдан маҳрум этилади ёки энг олий жазага ҳукм қилинади. Бироқ ҳар кунни грамлаб эмас, балки килограммлаб қоралорни мусодара қилишимизга тўғри келяпти. Яқинда содир бўлган воқеалардан бир нечасини мисол келтирамиз.

Қарши темир йўл станциясида Душанбе-Москва поездининг вагон кузатувчиси, Тожикистон фуқароси К. Олимжоннинг хизмат бўлинмасидан, 1,9 килограмм қоралорни, уч ярим килограмм наша топилиди. Буларнинг ҳаммаси сотиш учун Россия Федерациясининг пойтахтига олиб кетиладиган эди. Сароисий станциясида шу 23-сонли поездда кетадиган душанбеллик йўловчи Л. Соловьёвдан бир ярим килограмм қоралорни тортиб олинди. Бир ҳафтадан сўнг шу йўналишда ҳеч жойда ишламайдиган тожикистонлик йўловчи С. Ёқубовдан икки килограмм қоралорни тортиб

олинди. Самарқанд темирйўл станциясида Россия Федерациясининг Кузнецк шаҳрида яшайдиган фуқароси беш килограмм қоралорни билан ушланди. У терговда наркотик моддани Тожикистонда сотиб олганлигини айтган... Қундалик оператив маълумотлар орасида албатта ана шундай мисоллар келтирилади.

— Бу фақатлар кўшни Республикадаги касбдошларингизга маълум қилиняптими? Умуман, улар билан алоқа қандай йўлга қўйилган? — Шубҳасиз, 1992 йилда Киевда гиёвандликнинг тарқалишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида ички ишлар вазирлигининг ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, аниқланган ҳар бир факт тўғрисида Тожикистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини маълум қилишимиз. Мустаҳкам амалий алоқалар, оператив ва профилактик тадбирларни биргаликда амалга ошириш тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу соҳада қозирча ҳал этилмаган муаммолар бор... Тожикистонда ички вазият барқарор эмаслигини, жиноят билан боғлиқ вазият мураккаблигини, тожикистонлик касбдошларини ана шундай қийин шароитда ишлаётганини ҳисобга олиш керак.

Шунга қарамай, биз биргаликда самарали ишлаш йўллари излаяпмиз. Ҳуқуқни

муҳофаза қилиш, хизмат ходимларининг Тожикистоннинг Панжакент туманида яқинда бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда гап борди. Шу ойда Қирғизистоннинг Уш шаҳрида бўладиган Марказий Осиё Республикалари ички ишлар органлари вакиллариининг кенгашида иштирок этишга тайёргарлик кўряпмиз. Унда гиёвандлик ва бангифурушликка қарши биргаликда курашни кучайтиришга доир бир қанча аниқ тақлифлар киритмоқчимиз...

Ҳозир эса, асосан ўз кучимизга таянишимизга тўғри келмоқда. Давлат автомобиль назоратининг chegarаларидаги постлари, божхона хизмати кучайтирилди, наркотик моддаларни мамлакатимизга олиб кетиш ва худудимиз орқали олиб ўтишга чек қўйишга қаратилган қаттиқ чоралар белгиланди. Республика раҳбарлигининг мадади билан ҳаққоний муҳофаза қилиш тузилмалари, жамоатчилик билан ҳамкорликда бу ижтимоий иллатнинг тарқалиш йўлига ишончли гов солашим, зиммамизга олган ҳалқаро мажбуриятларни бажаришимиз, энг муҳими эса — аломат мамлакатимиз халқини гиёвандлик иллатидан асраб қоламиз, деб ўйлайман.

Ойна жаҳонда

ДУШАНБА, 17
ЎЗТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Эзгуликка интилиб". 18.50 "Келармикан". Кичик концерт. 19.05 "Кашф" этилаётган имкониятлар. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".

СЕШАНБА, 18
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Индинги кун жадвали". Бадий фильм. 9.25 Немис тили. 9.55 "Истеъдод". Нилуфар Усмонова. 10.15 "Абитуриент-95". Физика. 10.45 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим". 11.25 Т. Пулат. "Ичкўев". Видеофильм. 1-қисм. 12.30 — 14.30 "Биз танлаган йул". Видеоанал. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.

ЧОРШАНБА, 19
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Шкид республикаси". Бадий фильм. 9.35 Афишо сабоқлари. 10.05 Янги китоблар. 10.35 "Абитуриент-95". Математика. 11.05 "Ешлик" студияси. "Бир улкак...". 11.45 Буни ҳамма билиши керак. 12.25 Ўзбек куйларидан концерт. 12.55 "Саломат бўлинг!".

ПАЙШАНБА, 20
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ок бино оқшомлари". Киска метражли бадий фильм. 8.50 Лирик концерт. 9.15 Инглиз тили. 9.45 "Ҳуқуқингизни биласизми?". 10.15 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт. 10.45 "Ишбилармон". 11.15 "Ешлар билан юзма-юз". 11.55 Т. Пулат. "Ичкўев". Видеофильм. 3-қисм. 13.00 "Сихат-саломатлик" почтасидан. 13.30 — 14.20 "Талабалар саҳнасида".

ЖУМА, 21
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Эрта тонг". Бадий фильм. 9.35 Немис тили. 10.05 Болалар учун. "Езимиз — соз ўтмоқда". 10.35 "Унутилмас сатрлар". К. Камми. 11.15 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари". 11.55 Т. Пулат. "Ичкўев". Видеофильм. 4-қисм. 13.00 "Турон чечаклари" дастасининг концерти. 13.30 — 15.20 "Маърифат" видеоанали. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Болалар меҳмонхонаси". 18.40 "Харакатда — баракат". 18.55 "Мен ва дунё". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Муслиқ дақиқалар. 20.05 "Табаррук кадамжолар". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 Ўзбекистон Давлат теле-радиокомпанияси "Тановар" миллий ракс ансамблининг концерти. 22.15 "Олтин мерос". Халқ артисти Шукур Бурхонов. 23.35 Ўзлонлар. 23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ШАНБА, 22
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Киз Жибек". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар. 10.20 Болалар учун. "Саломатлик". 11.20 "Жаҳон жанговор санъатлари". 11.50 "Ешлик" студияси. "Умид". 12.50 "Оналар мактаби". 13.20 "Хотира". Фафур Азиз. 14.00 "Ховлимиздаги стадион". 14.20 — 14.50 "Оламни асрагин". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультифильм. 18.10 "Буюк фиръанлар юрти". 18.30 Спорт хабарномаси. 18.40 "Ешлик оқшом".

ЯКШАНБА, 23
ЎЗТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Камалек". Болалар учун кинодустур клуби. 9.30 "Шоҳрух" клуби. 10.00 "Ватанимга хизмат қилман". 11.00 "Кувнок стартлар". 11.30 "Қўшиқларим сизга армуғон". Хонанда Ҳожиакбар Рахматов. 12.00 Абдулла Қодирий. Ҳажвий новеллалар. 12.50 "Цирк! Цирк! Цирк!". 13.35 — 14.25 "Халқ ижодиёти". Умир баҳиш Сафар угли. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультифильм. 18.15 Болалар учун. "Қўшигим, жон қўшигим".

Ёз — ўтмоқда соз



Болалар бизнинг келажакимиз. Улар эртанги кунимизнинг мазмун моҳиятини белгилейди. Уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишида ҳуқуқимиз қатор имкониятлар яратиб бермоқда. Халқ жисмонан бақувват бўлган мамлакат ишончли кўларда қўрқалмайди. «Шарқ» матбаа-нашрият концернига қарашли «Игариш» номли соғломлаштириш болалар оромгоҳида 120 нафар хоразмлик болалар ҳам ўз соғлиқларини мустаҳкамлашмоқда.




Сиз суратда кўриб турган бу болаларлар ва мураббий, Шовот туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси Ўзғон Сапарова ҳам ушбу соғломлашув масканидан баҳраманд бўлишга эришган пайти акс эттирилган. Бу ерда болалар ўз соғлиқларини тиклаш билан бир қаторда маданий ҳордик ҳам чиқармоқдалар. Рустан Шарипов ва Эркин Ботиров олган суратлар.

ШАНБАДАН СПОРТ ШАНБАГАЧА

●МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАҚИДА. Пойтахтда биринчи марта йирик спорт анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўрилмақда. Кичик олимпиада уйинлари деб аталаётган бу мусобақа 2-8 сентябрь кунлари ўтказилади. Мусобақада Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг жами мингдан зиёд йигит-қизи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро баҳшлалади. Шу кунларда мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкили қўмитаси фаол ишламоқда. Меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларини ҳозирлаш билан боғлиқ юмушлар амалга оширилмоқда. Мусобақага ёрдам қўлини қўзаётган ҳомийлар сафи ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, Корея ва Хитой миллий олимпиада қўмиталари саҳават кўрсатиб, Тошкентга ҳар хил спорт кийим-кечаклари, волейбол, баскетбол ва футбол тўплари етказиб бердилар. Республика спорт қўмитасида ўтказилган навбатдаги йиғилишда эса спорт журналистларини рўйхатга олиш ва рағбатлантириш масалалари ҳамда Марказий Осиё уйинларини етарлича ёритишга эътибор қилинди. ●ШАХМАТ. Тошкентда жаҳон биринчилигининг минтақавий турнири икки ҳафта давом этди. Марказий Осиё республикалари ва Мугудистондан келган жами 13 нафар эркек ва аёл голбллик учун ўзаро дона сурди. Эркеклар ўртасида тошкентлик Александр Ненашев 12 имкониятдан 9,5 очко жамғариб, галабага эришди. Аёллар ўртасида эса қозоғистонлик Элвара Сахатовна шунча очко билан галаба наҳидасидан баҳраманд бўлди. Мусобақа низомига қўра А. Ненашевга 2400, Э. Сахатовга эса 1200 доллардан мукофот

пули берилди. Энди улар минтақаларо турнирда курашни давом эттиришди. ●ЕНИГЛ АТЛЕТИКА. Владимир Парфонов билан Виктор Заичев халқаро мусобақада жами 6 та медали бўлишди. Жумладан, Владимир Португалияда найзани 78,86 метрга улоқтириб, галаба қозонган бўлса, Виктор 76,32 метрни натижа билан бронза медали олди. Испанияда эса Владимир 80,42 ҳамда 84,58 метрни натижалар кўрсатиб голбллик супасига кўтарилди. Виктор эса яна иккита бронза медали олди. ●ФУТБОЛ. Ўзбекистон кубогини нимчорак финал учрашувлари бўлди. «Нефчи», «Трактор», «Темирйўлчи», «Чирчиқ», «Сўғдиёна», МХСК ва «Пахтакор» жамоалари галаба қозонди. «Навбахор» — «Ситора» учрашуви 26 июлда бўлди. Такрорий учрашувлар 23 августга музданланган. ●БОКС. Чарм қўлқоп усталари Сеул шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақадан муваффақият билан қайтишди. Ҳожиакбар Зокиров, Карим Тулаганов, Дилшоҳ Ербековлар олтин медал олишган бўлса, Темур Иброҳимов кумуш медал билди. ●КУРАШ. Эркин кураш бўйича миллий терма командами Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатида маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилди. Вакилларимиз 15 мамлакат орасида кучли олтиликдан жой олишди. М. Ибодов, Р. Исмоилов кумуш медал совиндорини бўлдилар, Р. Хинчагов голбллик супасининг учинчи поғонасига кўтарилган бўлса, Ш. Йўлдошев тўртинчи бўлди.

Мирзо АНВАР.



АДОЛАТ МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН АДОЛАТ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЯСИЙ КЕНГАШИ
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурад ТОШЕВ
Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилик кўчаси — 32. Қабۇлхона — 33-41-89, 32-55-70.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда, 10,000 нусхада чоп этилади.
Буюртма Г. — 0329. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқармачиси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-у.